



**Тижорат банкларида кредит рискани камайтириш амалиётини
такомиллаштириш**

Абдумуталибов Умиджон Абдувахоб угли

“Hamkorbank” АТВ Жалакудук Универсал банк

хизматлари офиси Ундирув хизмати бўлими

бошлиғи Банк-молия академияси Бизнесни

бошқариш “Банк иши” йўналиши тингловчиси

Тел: +998902688282

Аннотация: Мустақил фаолият юрутувчи ҳар бир тижорат банклари иқтисодий фаолиятида вужудга келадиган рискларни баҳолаши ва бошқариши лозим. Кўпгина банк рисклари ўртасида кредит рискни алоҳида ўрни мавжуд.

Кредит рискни қарз олувчи томонидан кредит шартномасида кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаслик, яъни кредит суммасини қисман ёки тўлиқ ва кредит бўйича фоизларни ўз вақтида тўламаслик тушинилади. Кредитни қайтармаслик натижасида банк капиталининг камайтишига ва пул маблағлар дефицитини вужудга келтиради. Кредитларнинг қайтмаслиги кўламининг юқорилаши банкларни банкрот ҳолатига келтириши мумкин. Муаммоли кредитларнинг миқдори банкнинг хусусий капиталидан юқори бўлган тақдирда банклар тўловга қобилиятсиз бўлади. Ўз навбатида, активлар миқдори мажбуриятда кам бўлганда уларни тўлаш имконсиз бўлиб қолади. Бунинг натижасида нафақат банк таъсисчилари, балки кўп ҳолларда ҳисобварақлар орқали ҳисобкитоблар амалга ошириш имкони бўлмагани туфайли банк мижозлари бўлган омонатчи жисмоний ва юридик шахслар жабр чекадилар.



Айни пайтда мамлакатимизда ҳам илмий-назарий ҳамда амалиётчи олимлар томонидан "муаммоли кредит" тушунчаси аввалгига нисбатан анча кўпроқ баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу албатта, бежизга эмас, чунки бутунги кунда республикаимиз тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши, уни камайтириш чоралари кўрилишига қарамасдан анчагина юқори фоизни ташкил этмоқда.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРИ (NPL)
ТЎҒРИСИДА, МЛРД.СУМ¹**

№	Кўрсаткичлар	01.01.2021	01.01.2022	01.01.2023	01.01.2024
1	Кредит портфель	276 975	326 386	390 049	471 406
2	Муаммоликредитлар (NPL)	5 785	16 974	13 992	16 621
3	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	2,10%	5,20%	3,59%	3,53%

Юқорида жадвалдан кўриниб турибдики 2021 йилнинг бошига республикаимиздаги жами банкларнинг кредит портифелига нисбатан муаммоли кредитларни улуши 2.10 % ташкил қилган бўлса, 2024 йилнинг бошига эса ушбу кўрсаткич 3.53 % ни ташкил қилган. Бундан келиб чиқиб юртимизда муаммоли кредитлар салмоги йилдан йилга ортаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Демак банклар кредит портфели сифатини яхшилашда кредит ажратиш жараёнларини ҳам қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб қилади.

Банклар кўпинча яхши ривожланган кредит рискларини бошқариш жараёнига ега емаслар. Енг кенг тарқалган камчиликлар орасида:

- ҳужжат шаклида сиёсатнинг ёзма баённомаси йўқлиги;

¹ CBU.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди



- портфелининг концентрацияси ҳеч қандай чекловлар;
- кредит бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштириш ёки марказсизлаштириш;
- кирим саноати камбағал таҳлил;
- қарз олувчиларнинг юзаки молиявий таҳлили;
- гаровнинг шиширилган қиймати;
- мижоз билан етарлича тез-тез алоқалар;
- - кредитлаш жараёнида чекларнинг камлиги ва мувозанатнинг йўқлиги;
- кредитлар устидан назорат йўқлиги;
- қарз маблағларидан ортиқча фойдаланиш;
- тугалланмаган кредит ҳужжатлари;
- кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантиришда активлар ва стандартларнинг таснифланмаганлиги;
- кредит жараёнини самарали назорат қила олмаслик.

Ушбу камчиликлар кредит портфелининг заифлигига, шу жумладан иқтисодиётнинг бир соҳаси ёки секторида тақдим этилган кредитларнинг ҳаддан ташқари консентрациясига, ишламайдиган кредитларнинг катта портфелига, кредит йўқотишларига, тўловга лаёқатизликка ва ликвидликнинг етишмаслигига олиб келади.

Бугунги кунда Республикамиз тижорат банкларида бу бўйича бир қанча янгиликлар жорий қилинди. Хусусан чакана кредитлаш жараёни аксарият банкларда онлайн скоринг тизими орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Корпоратив бизнесни кредитлаш бўйича эса андеррайтинг тизимига ўтилди. Мазкур амалга оширилган ўзгаришлар натижасида бир қанча босқичли кредитлаш жараёнидан воз кечилишга эришилди ва шунингдек кредитлаш жараёнидаги таваккалчиликларни ҳам камайтиришга эришилди. Келгусида эса банклар олдидаги муҳим вазифалардан бири сифатида жорий қилинган тизимларни даврий равишда қайта кўриб чиқиш ҳисобланади. Шу жумладан ишлаб чиқилган скоринг тизимларини ҳар йили камида бир маротаба текшириб бориш ҳам зарурдир деб ҳисоблайман.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [http://www. cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг сайти).
2. Базель-II – Банк назорати бўйича қўмитанинг “Капитал ўлчови ва капитал стандарти бўйича халқаро конвергенцияси: янги усуллар” номли банкларни тартибга солиш соҳасидаги методологик тавсиялари.
3. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланиш йўлида // Бозор, пул ва кредит – Тошкент, 2019. – №8 – Б. 6-10.